

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АЛИМХАНОВА СЕВАРАХОН ШАВКАТОВНА

ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ АСОСИДА НОТЎҚИМА ҚАТЛАМЛИ
ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**

**Contents of dissertation for doctor of philosophy (PhD)
on chemical science**

Алимханова Севарахон Шавкатовна

Иккиламчи хомашё асосида нотўқима қатламли полимер материалларни
олиш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Алимханова Севарахон Шавкатовна

Получение и применение нетканых полимерно слоистых материалов на
основе вторичного сырья..... 21

Alimkhanova Sevarakhon

Obtaining and application of non-woven polymer layered materials based on
recycled materials..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 42
List of published works

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АЛИМХАНОВА СЕВАРАХОН ШАВКАТОВНА

**ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ АСОСИДА НОТЎҚИМА ҚАТЛАМЛИ
ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T2696 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Нодир Баходирович

техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна

техника фанлари доктори, профессор

Исмоилов Равшан Исроилович

кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технологиялари институти

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.08.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» декабрь соат «14⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz, ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-қават, 221-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (160-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш. Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил 2 декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил 2 декабрь № 160 рақамли реестр баённомаси).



Х.Ҳ.Камилова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

И.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аралаш толали ишлар ва матолар ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Англия, Хитой, Япония, Корея, Ҳиндистон, Россия каби давлатлари етакчи ҳисобланади. Дунё миқёсида 2021 йилда 57 млн. тоннадан ортиқ кимёвий толалар (полиэстер) ишлаб чиқилиб, толалар улушидан 52% ташкил этган¹. Дунё цивилизациясининг муттасил ривожланиб бориши энергия ва табиий ресурсларга эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши, улар захираси структурасининг ўзгариши ва камайиб бориши муаммосини келтириб чиқармоқда. Шунга асосан иккиламчи хомашёдан самарали фойдаланган ҳолда янги инновацион материаллар, хусусан, тўқимачилик соҳасида иссиқсақловчи ва шаклсақловчи, экологик ҳавфсиз қатламли полимер нотўқима материаллар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда нотўқима материаллар яратишда улар таркибидаги компонентларнинг физик-кимёвий таъсирлашувини бошқариш орқали эксплуатацион хоссаларини мақсадли модификациялашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, тўқимачилик ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган толали чиқиндилардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш орқали чиқиндисиз технологияларни жорий этиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Бироқ, технологик ва маиший чиқиндилар, ноконденсацион материаллар, айниқса табиий толали иккиламчи хомашё асосида қўшимча қийматли, махсус хусусиятларга эга қатламли нотўқима полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан ечими кутилаётган муаммолар бор. Бу борада, қатламли материалнинг таркибий қисмлари чегара юзасида содир бўладиган физик-коллоид ва кимёвий жараёнларни тадқиқ этиш орқали материалнинг физик-механик ва гигиеник хоссаларини бошқариш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиётида тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати етук ва динамик ривожланаётган тармоқлардан бири бўлиб қолди. Маҳаллий хомашёлар, жумладан иккиламчи толали хомашё асосида қатламли нотўқима материалнинг ассортиментини кенгайтириш, кийим ва пойабзалнинг инновацион қисмларини яратиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида² принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, фазалараро сиртларида содир бўладиган физик-коллоид ҳодисалар ва кимёвий

¹ https://textileexchange.org/wp-content/uploads/2021/08/Textile-Exchange_Prefered-Fiber-and-Materials-Market-Report_2021.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

реакцияларнинг қонуниятларига асосланиб тўқимачилик корхоналари технологик чиқиндиларидан тикланган иккиламчи толали хомашёдан кимёвий елимлаш усули билан нотўқима қатламли полимер материаллар олиш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 майдаги ПҚ-4341-сон «Республика худудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё. Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатламли композицион тўқимачилик материалларининг таркиби, тузилиши, эксплуатацион хоссалари, тўқимачилик ва енгил саноатда қўлланилиши ва тадқиқ этиш билан ҳорижда W.C. Smith, J. Wang, S.D. Tohidi, Z. Denchev, O.A. Khondker, E. Selver, Г.П. Андрианова ва бошқа ҳорижий олимлар шуғулланишган. Нотўқима материалларнинг олиниши, тузилиши, хоссалари, енгил саноатда қўлланилиши бўйича тадқиқотлар A. Pourmohammadi, T.R. Lin, P.K. Patnaik, N. Mao, A. Wilson, L. Wang, B. Grabowska-Polanowska, H. Wang, Y. Yan ва бошқалар томонидан ўтказилган. Нотўқима материалларнинг фазалараро сиртларида содир бўладиган жараёнларнинг моҳияти, кимёвий елимлаш усулининг ўзига хос жиҳатлари бўйича N. Mao, S.J. Russell, S. Gunter, B.F. Perkins, M.M. Williams, иккиламчи хомашё асосида нотўқима материаллар олиш бўйича N. Xueli, Sh. Henggen, Y. Zhang, Sh.-ul-Islam, L. Fang, F. Sun, S.M. Fakhrhoseini, L.V. Haule, C.M. Carr, табиий жун асосида нотўқима материаллар яратиш бўйича Z.M. Ghermezgoli, U.H. Erdogan, N.P. Gupta, Mahapatra's, H.J. Li, A. Sharma, T. Harizi каби олимлар тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда иккиламчи толали хомашё асосида қатламли нотўқима материаллар олиш, уларда борадиган физик-кимёвий жараёнларнинг моҳиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар А. Рафиков, Қ. Жуманиязов, М. Кулметов, А. Пирматов, Х. Ибрагимов, У. Мелибоев, И. Азизов ва бошқалар томонидан бажарилган. Бажарилган тадқиқотларда қатламли материалларнинг табиати, макро ва микро тузилиши, компонентларни бириктириш усуллари,

механик мустаҳкамлиги, сув, ҳаво, буғ ўтказувчанлиги ва бошқа амалий хоссалари ўрганилган.

Лекин, иккиламчи хомашё асосида кимёвий елимлаш усули билан қатламли нотўқима полимер материалларга ишлаб чиқаришнинг термомеханик жараёнларида содир бўладиган физик-коллоид ва кимёвий ходисаларни материалларнинг хоссалари ва ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлигини комплекс аниқлаш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-7-16 «Маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиб термоэластопластлар ва қатламли материалларнинг олиниши, хоссалари ва қўлланилиши» (2016-2020) ва ОТ-Атех-2018-18 рақамли «Юқори технологик тўплам материаллар ва чарм буюмларини тайёрлашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиб юқори ва паст ҳароратлардан ҳимояловчи махсус пойабзал янги конструкцияларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик ва тикув корхоналари технологик чиқиндиларидан тикланган толали иккиламчи хомашё асосида нотўқима қатламли полимер материалларни олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўқимачилик ва тикув корхоналари технологик чиқиндиларини майдалаб олинган толали хомашёга дастлабки ишлов бериш усулини аниқлаш;

кимёвий елимлаш усули билан иккиламчи толали хомашё асосида нотўқима қатламли полимер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

йигиришга яроқсиз, дағал туя ва қўй жуни, елим сингдирилган тўрсимон тўқув-трикотаж мато асосида нотўқима қатламли полимер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

иккиламчи толали хомашё асосида олинган нотўқима қатламли материалларнинг таркиби, тузилиши, термомеханик таъсир натижасида содир бўладиган физик-коллоид ва кимёвий жараёнларнинг моҳиятини аниқлаш;

нотўқима қатламли материалларнинг компонентлари орасида содир бўладиган кимёвий реакцияларни уларнинг физик-механик ва гигиеник хоссаларига таъсирини аниқлаш;

иккиламчи толали хомашё асосида иссиқсақловчи ва шаклсақловчи нотўқима қатламли материаллар олиш технологик параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тўқимачилик ва тикув корхоналарининг технологик чиқиндиларини майдалаб тикланган толали хомашё, дағал туя ва қўй жуни, этилен-винилацетат елим парда, тўрсимон полиэфир мато, нотўқима қатламли полимер материаллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети иккиламчи толали хомашё асосида олинган нотўқима қатламли полимер материалларнинг кимёвий таркиби, тузилиши, морфологияси, кристалл тузилиши, термомеханик таъсир натижасида уларда содир бўладиган физик-коллоид ва кимёвий ҳодисаларнинг моҳияти, материалларнинг физик-механик ва гигиеник хоссалари, иссиқсақловчи ва шаклсақловчи материаллар ишлаб чиқариш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий тадқиқот усуллари, тўқимачилик материалларининг физик-механик хоссаларини синаш усуллари, ИҚ-Фурье спектроскопия, оптик ва сканирловчи электрон микроскопия, дифференциал-термик анализ, рентгенофазавий анализ ва технологик усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик ва тикув корхоналари технологик чиқиндиларидан тикланган толали хомашё, этилен-винилацетат тўрсимон елим парда, тўрсимон полиэфир трикотаж асосида кимёвий елимлаш усули билан нотўқима қатламли полимер материаллар яратилган;

иккиламчи целлюлоза толалари, этилен-винилацетат сополимери, полиэфир толаларнинг ўзаро таъсирлашуви икки босқичда, 140-180°C да адгезион таъсирлашув, 195-262°C да кимёвий таъсирлашув содир бўлишлиги аниқланган;

иккиламчи толали хомашё ёки дағал туя ва қўй жунининг йўналтирилган қатлами, полимер елим сингдирилган полиэфир-пахта тўқув-трикотаж мато асосида кимёвий елимлаш усули нотўқима қатламли материал олинган;

иккиламчи толали хомашё асосида кимёвий елимлаш усули билан олинган нотўқима қатламли материалга термик ишлов бериш вақтида содир бўладиган қайта эфирланиш реакцияси унинг гигиеник хоссаларига таъсир этмагани ҳолда механик мустаҳкамлигини сезиларли оширишлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки томони тўрсимон трикотаж полимер елим парда, ораси тўқимачилик ва тикув корхоналари технологик чиқиндилари қатламларини 150±5°C температурада 2.0±0.2 минут давомида каландрлаш орқали кимёвий елимлаш усули билан нотўқима қатламли полимер материаллар олинган;

дағал туя ва қўй жунининг йўналтирилган қатлами, полимер елим сингдирилган полиэфир-пахта тўқув-трикотаж мато асосида кимёвий елимлаш усули билан 190±2°C температурада, 20±1 секунд давомида саноат пресси ёрдамида нотўқима қатламли материал олинган;

иккиламчи толали хомашё асосида олинган нотўқима қатламли полимер материалларнинг физик-кимёвий, структур-механик ва гигиеник хосслари аниқланган;

иккиламчи толали хомашё асосида иссиқсақловчи ва шаклсақловчи нотўқима қатламли материалларнинг конструкцияси ва такомиллаштирилган технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги натижаларнинг замонавий молекулалараро таъсирлашиш назариясига мослиги, физик-кимёвий тадқиқот

усуллари – ИҚ-Фурье спектроскопия, электрон микроскопия, дифференциал-термик ва рентгенфазавий анализларни жалб қилган ҳолда тажрибавий тадқиқотларнинг олиб борилганлиги, физик-механик синовлар натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер елим парда таркибида этиленнинг винилацетатга моляр нисбати 10:1 эканлиги иккиламчи целлюлоза толалари билан полиэфир толаларининг фазалараро юқори адгезиясини таъминлашлиги, термик ишлов бериш натижасида кучли экзотермик эффект билан содир бўладиган қайта эфирланиш реакцияси ҳисобига молекулалараро боғларнинг ҳосил бўлишлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти толали чиқиндилардан тикланган иккиламчи целлюлоза, тўрсимон полиэфир мато ва полимер елим пардаларни кимёвий бириктиришнинг тўрт босқичли такомиллаштирилган технологияси яратилганлиги, йиғиришга яроқсиз туя ва қўй жуни, елимланган полиэфир-пахта матосини кимёвий бириктиришнинг икки босқичли такомиллаштирилган технологияси яратилганлиги, нотўқима қатламли материаллар асосида иссиқсақловчи белбоғ, шаклсақловчи ва совуқдан ҳимояловчи кийим учун астарлик ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккиламчи хомашё асосида нотўқима қатламли полимер материалларни олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик чиқиндиларидан тикланган иккиламчи толали хомашё асосида кимёвий елимлаш усули билан олинган нотўқима мато пальто ва костюмларда шакл сақловчи ва иссиқ сақловчи астарлик сифатида “REAL TEX” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмасининг 2022 йил июль ойдаги 03/25-2045-сон маълумотномаси). Натижада астарлик учун нотўқима мато тикув ва тўкув корхоналари чиқиндиларидан тайёрланганлиги сабабли маҳсулот таннархини камайтириш имконини берган;

туя жуни, этилен-винилацетат елим сингдирилган полиэфир-пахта тўрсимон мато асосида олинган нотўқима материал тиббий-профилактик белбоғнинг иссиқ сақловчи элементи сифатида “IDEAL” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмасининг 2022 йил июль ойдаги 03/25-2045 -сон маълумотномаси). Натижада табиий толалардан тайёрланган, экологик ҳавфсиз, юқори иссиқ сақловчилик хусусиятига эга бўлган тиббий-профилактик белбоғ ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 12 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро, 9 та республика конференцияларида ва 3 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон (нашр) қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий илмий

нашрларда 2 та мақола, чет эл нашрларида 5 та мақола, жумладан 3 та Scopus базасига киритилган нашрларда мақола чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган³.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республикадаги фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иккиламчи хомашё асосида қатламли нотўқима полимер материаллар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган, нашр этилган ишлар манбаалари бўйича илмий изланишлар ва таҳлил натижаларининг муҳокамаси берилган. Полимер-нотўқима материалларнинг таркиби, тузилиши, олиниш технологияси, ўзига хос хусусиятлари ва қўлланилиши бўйича тадқиқотлар таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Нотўқима қатламли полимер материалларни олиш ва тадқиқ этиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларининг тавсифи, нотўқима қатламли полимер материалларнинг олиниш усуллари, уларнинг физик-кимёвий, механик ва гигиеник хоссаларини аниқлаш усуллари келтирилган. Нотўқима материални шакллантириш толали чиқиндиларга $NaOH$ нинг 2% эритмаси билан хона температурасида 12-24 соат давомида ишлов беришдан бошланади. Ишлов бериш жараёнида толалар мойсимон қўшимчалардан тозаланади, ғовоклилиги ортади, уларнинг композиция компонентлари билан таъсирлашуви осонлашади. Тикланган пахта толалари ёки туя ва қўй жунининг йигиришга яроқсиз дағал толалари нотўқима қатлам сифатида 1.8 ± 0.2 мм қалинликда бир текисда жойлаштирилади. Қатламли нотўқима-полимер материал олиш учун материалларнинг қатламлари 1-расмда кўрсатилган конструкция бўйича йиғилди.



1-расм. Нотўқима қатламли материалларнинг конструкцияси. (а): 1 – трикотаж тўр, 2 – толали чиқинди, 3 – термопластик елим; б): 1 – дублерин, 2 – толали чиқинди

Биринчи конструкция қатламли материал ҳосил қилувчи қурилманинг сиқувчи валлардан $150 \pm 5^\circ C$ температурада 2.0 ± 0.2 минут давомида ўтказиш


Муаллиф иккиламчи хомашё асосида нотўқима қатламли полимер материалларни олиш технологияси бўйича тадқиқотлар олиб боришда берган маслаҳатлари учун профессор А.С.Рафиковга миннатдорчилик билдиради.

орқали бириктирилди. Иккинчи конструкция қатламлари бир-бирига $190 \pm 2^\circ\text{C}$ температурада, 20 ± 1 секунд давомида саноат пресси ёрдамида бириктирилди.

Диссертациянинг «Пахта матоси чиқиндилари асосида кимёвий елимлаш усули билан олинган қатламли нотўқима материаллар» деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари муҳокама этилган.


Термопластик елимнинг кимёвий таркиби ва тузилиши олинган қатламли нотўқима материалнинг хоссаларини белгилайди. Унинг таркиби ИҚ-Фурье, энергодисперсион спектрал (ЭДС) ва дифференциал-термик (ДТА) таҳлил усуллари билан аниқланди. Елимнинг ИҚ-Фурье спектрлари аниқ намоён бўладиган интенсив ютилиш йўлкаларига эга. ИҚ-Фурье спектрда 2915 ва 2849 см^{-1} тебранишлар частоталаридаги ютилиш йўлкалари $-\text{HC}-$, $-\text{CH}_2-$, $-\text{CH}_3$ гуруҳларидаги $\text{C}-\text{H}$ боғининг валент тебранишларига тегишли, шу боғларнинг деформацион тебранишлари 1468 ва 717 см^{-1} соҳалардаги ютилиш йўлкаларида намоён бўлади. 1697 см^{-1} соҳадаги ютилиш йўлкаси $\text{C}=\text{O}$ валент тебранишларига, 1256 ва 937 см^{-1} соҳалардаги ютилиш йўлкалари эса мураккаб эфир гуруҳининг $\text{C}-\text{O}$ боғлари валент ва деформацион тебранишларига тегишли. ИҚ-Фурье натижаларига кўра тадқиқ этилаётган модда полиэфир ёки ЭВА елими бўлиши керак.

ЭДС элемент анализ натижалари ҳам сифат жиҳатидан кислород ва углерод элементлари борлигини тасдиқлади (2-расм).



2-расм. Термопластик елимнинг ЭДС элемент таҳлили


Термопластик елим водород ва углерод (ўртача 91.3%), кислород (ўртача 8.7%) элементларидан таркиб топган. Элементларнинг масса улушига кўра сополимер таркибида ВАнинг 1 та звеносига этиленнинг 10 та звеноси тўғри келади, яъни ВА нинг моляр улуши тахминан 9% га тенг:



Елимнинг тажрибавий топилган зичлиги (0.929 г/см^3) ва суюқланиш температураси (94.25°C) айнан шу таркибга мос келишлигини кўрсатмоқда.

Пахта целлюлозаси ва табиий жун толалари қутбли молекулалардан иборат гидрофиль материалдир. Уларни кимёвий елимлаш учун қўлланиладиган полимернинг ҳам гидрофиль бўлишлиги ўзаро мойиллик омили ҳисобланади. Одатда ҳар қандай юзанинг гидрофиллиги сув билан

хўлланиш бурчаги орқали аниқланади. ЭВА елим парданинг учта турли қисмларидан олинган намуналарда хўлланиш бурчаги аниқланди (3-расм).



3-расм. ЭВА парда-елим юзасининг сув билан хўлланиш бурчаги

Хўлланиш бурчагининг қиймати ($30-50^\circ$ оралиғида) текширилаётган суюқлик билан яхши хўлланадиган юзаларга тегишли. Демак, ЭВА сополимери полиэтилен ёки бошқа полиолифен ва полидиенларга нисбатан анча гидрофиль полимер экан. Унинг бу хусусияти пахта ва жун толаларига яхши адгезиясини таъминлайди.

Қатламли материални шакллантириш жараёнида унинг компонентлари ўртасида қандай таъсирлашув содир бўлишлигини аниқлаш мақсадида компонентларнинг ва уларни ўзаро таъсирлашув маҳсулотларининг ИҚ-Фурье спектрлари олинди ва таҳлил қилинди. Пахта материалининг чиқиндилари ИҚ-Фурье спектрида қўйидаги тебранишларнинг ютилиш йўлкалари намоён бўлади: ν_{O-H} (3332.85 см^{-1}), ν_{C-H} ($2898.32, 1204.15 \text{ см}^{-1}$), δ_{C-H} ($1427.50, 1314.26, 1028.65, 1001.42, 983.68 \text{ см}^{-1}$), δ_{O-H} ($1361.17, 1334.57 \text{ см}^{-1}$), $\nu_{C=O}$ ($1159.64, 1108.45, 1054.78 \text{ см}^{-1}$), пираноз халқаси ($663.16, 557.50, 518.15 \text{ см}^{-1}$).

Целлюлоза чиқиндиларининг полимер елим билан 150°C температурада таъсирлашув маҳсулотининг ИҚ-Фурье спектрининг характеристик ютилиш йўлкалари: $3333.2 \text{ см}^{-1} - \nu_{O-H}$, $2916.11, 2849.71 \text{ см}^{-1} - \nu_{C-H}$, $1697.06 \text{ см}^{-1} - \nu_{C=O}$, $1427.32 \text{ см}^{-1} - \delta_{C-H}$, $1370.22, 1334.79 \text{ см}^{-1} - \delta_{O-H}$, $1314.33 \text{ см}^{-1} - \delta_{C-H}$, $1203.84 \text{ см}^{-1} - \nu_{C-H}$, $1159.50, 1104.44, 1054.78, 874.39 \text{ см}^{-1} - \nu_{C=O}$, $1028.65, 1001.42, 983.60 \text{ см}^{-1} - \delta_{C-H}$, $662.00, 557.10, 518.14 \text{ см}^{-1} -$ пираноз халқаси.

Целлюлоза ва елимнинг таъсирлашув маҳсулотида асосан целлюлозага тегишли бўлган ютилиш йўлкалари жиддий ўзгаришсиз намоён бўлади (1-жадвал). Елимдаги ν_{C-H} ва $\nu_{C=O}$ боғларнинг валент тебранишларига тегишли бўлган ютилиш йўлкалари сақланиб қолади. Целлюлоза ва ЭВА елим ўртасида кимёвий таъсирлашув содир бўлмаслиги, фақат адгезион таъсирлашув мавжудлиги ҳақида хулоса қилинди. Кейинги тадқиқотлар юқорида температурада ЭВА ва целлюлозани кимёвий таъсирлашувини кўрсатди.


1-жадвал

Целлюлоза толалари, ЭВА елими ва уларнинг таъсирлашув маҳсулоти ИҚ-Фурье спектрларидга ютилиш йўлкалари

Модда	Тебраниш тури, боғлар, ютилиш йўлкаси, см^{-1}					
	ν_{O-H}	δ_{O-H}	ν_{C-H}	δ_{C-H}	$\nu_{C=O}$	$\nu_{C=O}$
Целлюлоза толалари	3333	1361, 1335	2898, 1204	1428, 1314, 1029, 1001, 984	1160, 1108, 1055	
ЭВА елим			2915, 2849	1468, 717	1256, 937	1697
Маҳсулот	3334	1370, 1335	2916, 2850, 1204	1427, 1314, 1029, 1001, 984	1160, 1104, 1054, 874	1697

ДТА натижаларига кўра иккиламчи тикланган пахта толалари асосида кимёвий елимлаш усулида тайёрланган қатламли материал нисбатан юқорироқ температурада қиздирилганда кимёвий реакция содир бўлишлиги маълум бўлди (4-расм, 2-жадвал).

Термик таҳлил натижаларига кўра ЭВА елимдаги жараёнлар икки босқичда содир бўлади: 350°C гача (намуна массаси 4.8% га камаяди), 350-560°C интервалида (намуна масса тўлиқ йўқолади). 85.35-104.52°C интервалида қиймати 30.8 Ж/г га тенг бўлган эндотермик иссиқлик эффекти кузатилади, бунда намуна массаси деярли ўзгармайди. Бу ЭВА сополимерини суюқланиш жараёни бўлиб, эффект чўққисига мос келувчи 94.25°C унинг суюқланиш температурасидир. Чўққиси 462.24°C ва 494.30°C га тўғри келадиган иккита эндотермик эффект полимер намунасининг тўлиқ парчаланишини билдиради.




4-расм. Термик таҳлил графиклари: ЭВА елим (а), пахта целлюлозаси (b), полиэфир трикотаж (c), композиция (d)

Пахта целлюлозаси 291°C гача намлиги ҳисобига 5.7% массасини йўқотади, суюқланиш ва бошқа фазавий ўзгариш жараёнлари кузатилмайди. 291-391°C интервалида чўққиси 354.83°C тўғри келадиган эндотермик эффект билан парчаланиш жараёнлари туфайли содир бўлади. Полиэфирнинг ТГА эгрисида учта соҳа, ДТА эгрисида учта эндотермик эффектни кузатиш мумкин. Биринчи соҳа 342°C гача давом этиб, намуна массаси 5.57% га камаяди, чўққиси 255.07°C га тўғри келадиган эндотермик эффект билан суюқланиш жараёни содир бўлади.

“Пахта целлюлозаси + ЭВА елим + полиэфир” композициясининг ТГА эгрисининг биринчи босқичи 280°C гача содир бўлиб, массаси дастлабки компонентларга нисбатан кўпроқ, яъни 8.9% га камайишини кўрсатди. 195-253°C оралиғида чўққиси 236.87°C га тўғри келадиган кучли экзотермик жараён содир бўлади.

Экзотермик жараён ЭВА макромолекуласи ва целлюлоза орасида қайта эфирланиш реакцияси бўлишлигини кўрсатади. Бу реакцияни қуйидаги икки хил схема орқали ифодалаш мумкин:



Биринчи схема бўйича целлюлозанинг ЭВА билан оддий эфири ҳосил бўлса, иккинчи реакция бўйича мураккаб эфири ҳосил бўлади. ДТА натижаси бўйича биринчи реакциянинг улуши кўпроқ эканлиги маълум бўлди. ЭВА макромолекуласи таркибида ҳар 10 та молекула этилен звеносига 1 та ВА звеноси тўғри келишини ҳисобга олганда, 280°C гача масса камайиши сирка кислотасининг ажралиб чиқишига мос келади. Учинчидан, кейинги юқорироқ температурадаги термик парчаланиш асосан икки босқичда содир бўлади: чўққиси 345.99°C да бўлган эндотермик эффект билан содир бўлувчи целлюлоза ва унга кимёвий боғланган ЭВА қолдиғи фрагментининг парчаланиши; ҳамда чўққиси 437.23°C да намоён бўладиган эндотермик эффект билан полиэфирнинг парчаланиши.


2-жадвал

Қатламли нотўқима материал компонентларининг термик таҳлили натижалари


TGA				DTA					
Температура, °C		Масса кам		Температура, °C			Иссиқлик эффекти		
Бошла-ниши	Тугаши	Мг	%	Бошла-ниши	Тугаши	Чўққи	Интенсив-лик, uV	мЖ	Ж/г
ЭВА елим									
19.16	350.06	0.185	4.798	85.34	104.52	94.25	Endo, -1.4	-117.79	30.8
350.06	560.22	3.763	97.59	430.21	483.45	462.24	Endo, -11.3	-3580	974
				488.52	503.68	494.30	Endo, -2.61	-171.78	859
Пахта целлюлозаси									
23.03	290.51	0.155	5.694						
290.51	390.59	2.309	84.83	324.43	382.15	354.83	Endo, -4.24	-1020	403
390.59	600.88	0.103	3.784						
Полиэфир трикотаж									
19.76	342.13	0.237	5.574	246.89	263.10	255.07	Endo, -3.74	-279.51	65.7
342.13	479.99	3.495	82.20	420.79	461.07	438.91	Endo, -3.40	-1210	508
479.99	601.86	0.346	8.137	524.97	529.45	527.86	Endo, -1.24	-17.29	33.9
Пахта целлюлозаси + ЭВА елим + полиэфир									
22.69	279.67	0.312	8.924	195.49	252.64	236.87	Ekzo, 3.39	858.13	-256
279.67	378.88	1.514	43.31	330.46	361.96	345.99	Endo, -3.61	-272.24	182
378.88	501.64	1.670	47.77	372.09	485.04	437.23	Endo, -7.07	-2640	

Умуман, ҳар иккала реакцияда ҳам пахта чиқиндиси целлюлозаси билан ЭВА елими 195-253°C температурада кимёвий реакцияга киришади, бу эса компонентларнинг мустаҳкам боғланишини таъминлайди. Тадқиқотлар натижасида қатламли нотўқима материал ишлаб чиқариш технологиясига 237±2°C да 3±0.2 дақиқа давомида термик ишлов бериш жараёни киритилди.

Бирламчи целлюлоза толалари найсимон тузилишга эга бўлиб, кам даражада шикастланган бўлади. Толалар йигириш, мато тўқиш, буюм тайёрлаш жараёнларида турли агрегатларнинг механизмларидан ўтади, капиллярлиги сақланиб қолса ҳам, бироз шикастланади ва пачоқроқ бўлиб қолади. Мато чиқиндиларини қайта ишлаб, тикланган иккиламчи толалар олиш жараёнида шикастланиш янада ортади, натижада толаларнинг “пачоқланиш” даражаси ортади (5-расм). Шу билан бир вақтда толалар узилиб, бироз калталашади.



5-расм. Иккиламчи пахта толаларининг СЭМ тасвирлари



6-расм. Рентгенограммалар: тикланган пахта толалари (a), пахта толаларини ЭВА билан таъсирлашув маҳсулоти (b)


Пахта мато чиқиндиларидан тикланган толалар рентгенограммаларида дифракция бурчагининг ($^{\circ}2\theta$) 15, 23 и 27 кийматларида аниқ ифодаланган ва катта интенсивликдаги кристаллик фазасининг сигналларини кўриш мумкин (6-расм). Пахта толаларини ЭВА елим билан таъсирлашув маҳсулотида дифракция бурчагининг ($^{\circ}2\theta$) 15 ва 23 соҳалардаги сигналларнинг интенсивлиги камаяди, 27 соҳадаги сигнал эса бутунлай йўқолади. Бу ўзгаришлар кристалл фазалар сони ва кристаллик даражасининг камайганлигини билдиради.

Юқори температурада целлюлоза билан ЭВА елимнинг винилацетат звенолари реакцияга киришишини ҳисобга олган ҳолда қатламли нотўқима материалга 237±2°C да 3 дақиқа давомида термик ишлов берилди. Термик

ишлов берилган намунанинг устки ва кўндаланг кесими морфологияси рақамли микроскоп ёрдамида ўрганилди (7-расм).

Толаларни турли технологик жараёнлардан ўтиши уларнинг диаметрига кам таъсир кўрсатар экан. Намунанинг асосий қисми бирламчи толалар каби ўртача 15-17 микрон диаметрга эга. Пахта матоси чиқиндиларини нотўқима материал ишлаб чиқаришга тайёрлаш жараёнида толаларнинг “пачоқланиш” даражаси янада ортади, шу билан бирга ўртача диаметри ҳам бироз ортади ва 18-20 микронга тенглашади. Демак, кўп марта қайта ишлашлар пахта толаларининг дисперслигига кам таъсир кўрсатади, яъни уларнинг узунлиги ва диаметрини деярли ўзгартирмайди, бироқ морфологиясини ўзгаришига сабаб бўлади. Муҳими, иккиламчи хомашёдан нотўқима материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятини тўлиқ сақлаб қолади.

Дастлабки моддалар ва қатламли нотўқима материалнинг кристалл тузилишини аниқлаш мақсадида рентгенфазавий тадқиқотлар ўтказилди.




7-расм. Қатламли нотўқима материалнинг устки кўриниши (а) ва кўндаланг кесими (б)

Расмдан кўринишича нотўқима қатламнинг структураси толаларнинг чалкашиши ҳисобига шаклланади. Композицион материалнинг асосий қисмини нотўқима қатлам ҳосил қилади. Материалнинг умумий қалинлиги 2.0 ± 0.1 мм бўлгани ҳолда, елим қатламининг қалинлиги 0.12 мм, тўрсимон трикотажнинг қалинлиги 0.16 мм га тенг. Елим қатлами шартли қалинлигининг дастлабки елим парда қалинлигига нисбатан кўпроқ эканлиги (98 микрондан 120 микронгача ортган) ва толасимон масса билан қўшилиб кетиши қаттиқ фазалар чегарасидаги кимёвий таъсирлашувнинг оқибатидир. Термик ишлов бериш жараёнида полиэфир толалари суюқланиш температурасига жуда яқин бўлган юқори эластик ҳолатда бўлади. Бу эса уларни суюқ ҳолатда бўлган ЭВА елими адгезион таъсирлашувини таъминлайди.

Сўнги йилларда елимлаш усули қатламли материаллар ишлаб чиқаришда дублерин деб номланувчи материалдан фойдаланилмоқда. Кейинги тадқиқотлар дублерин ва толали чиқиндилар асосида қатламли нотўқима материаллар олишга бағишланади. Диссертация ишининг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қатламли материал олиш учун асоси тўрсимон тузилишли дублерин мос келади. Тадқиқотларда қўлланилган материал полиэфир толаларидан тайёрланган тўкув-трикотаж мато, ипларнинг қалинлиги 0.2-0.4 мм, бўйлама иплар орасидаги масофа 1.8 мм, тирқишлар ўлчами 0.4-0.5 мм. Материалда елим сифатида ЭВА сополимеридан фойдаланилган.

ИҚ-Фурье, ЭДС таҳлил ва термик таҳлил тадқиқотлари дублерин ва иккиламчи толали хомашё асосида қатламли полимер нотўқима материалларнинг кимёвий таркиби, тузилиши ва унинг шаклланиш вақтида содир бўладиган физик-кимёвий жараёнлар моҳиятини аниқлаш имконини берди. Кейинги тадқиқотлар олинган барча қатламли нотўқима материалларнинг физик-механик, гигиеник хоссаларини ва қўлланилиш соҳасини аниқлашга бағишланади.

Кийим ва пайабзал учун мўлжалланган қатламли полимер нотўқима материаллар иссиқ сақловчи ёки шакл сақловчи астарлик вазифасини бажаради. Бундай материалларга механик мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, ҳаво ва буғ ўтказувчанлиги бўйича талаблар қўйилади. Энг муҳим гигиеник кўрсаткич – буғ ўтказувчанлик аввал визуал кузатиш бўйича аниқланди (8-расм).



8-расм. Материалларнинг буғ ўтказувчанлигини визуал кузатиш: а) материалсиз; б) узлуксиз елим билан бириктирилган материал; в) тўрсимон елим билан бириктирилган материал

Узлуксиз елим билан бириктирилган материал сув буғларини ўтказмайди, шиша пластинка юзасида сув томчилари мавжуд бўлмайди. Тўрсимон елим билан бириктирилган қатламли нотўқима материал сув буғларини яхши ўтказиши. Иккинчи ҳолатда қатламли материалда ғовакликлар қолиб, улар орқали сув буғлари ўтади.

3-жадвал


Толали чиқиндилардан тикланган иккиламчи хомашё, тўрсимон трикотаж ва ЭВА елим асосидаги қатламли нотўқима материалларнинг физик-механик ва гигиеник хоссалари

Кўрсаткичлар	150±5°C да олинган	237±2°C да ишланган	Стандарт талаблари бўйича
Қалинлиги, мм	2.0±0.1	2.0±0.1	
Юза зичлиги, г/м ²	390	386	
Узилишдаги мустаҳкамлиги, Н бўйига энига	219 116	268 185	200 150
Нисбий чўзилувчанлиги, % бўйига энига	39 79	28 68	
Ҳаво ўтказувчанлиги, дм ³ /м ² ·сек	95	93	40 дан кам эмас
Буғ ўтказувчанлиги, мг/см ² ·саот	6.7	5.7	2.0 дан кам эмас
Иссиқсақловчанлиги, %	42	45	40 дан кам эмас

Толали чиқиндилардан тикланган иккиламчи хомашё, тўрсимон трикотаж ва ЭВА елим асосида тайёрланган қатламли нотўқима материалларнинг

хоссалари “ГОСТ 12.4.303-2016 Мехнат хавфсизлиги стандартлари системаси. Паст температуралардан ҳимоялаш учун махсус кийимлар. Техник талаблар” стандартида астарлик материалларининг меъёрлари бўйича баҳоланди. $150\pm 5^\circ\text{C}$ да олинган дастлабки материалнинг ҳамда $237\pm 2^\circ\text{C}$ да 3 дақиқа давомида термик ишлов берилган материалнинг физик-механик ва гигиеник хоссалари 3-жадвалда келтирилган.

Тўқимачилик чиқиндиларидан олинган иккиламчи толали хомашё асосида кимёвий елимлаш усули билан олинадиган нотўқима матонинг синов партияси “REAL TEX” МЧЖ корхонасида тайёрланди, ишлаб чиқаришнинг қуйида келтирилган такомиллаштирилган технологияси таклиф этилди (9-расм):



9-расм. Толали чиқиндилар асосида қатламли нотўқима полимер материаллар ишлаб чиқариш технологик схемаси: 1 – 2%-ли натрий гидроксид эритмаси, 2 – сув, 3 – дастлабки толали чиқинди, 4 – жўмрак, 5 – ишчи стол, 6 – рақел қурилмаси, 7 – трикотажд тўр, 8 – тўрсимон ЭВА елим парда, 9 – ишлов берилган толали чиқинди, 10 – каландрлаш валлари, 11 – тайёр қатламли материал

1. Толали чиқиндиларни тайёрлаш. Идишнинг $\frac{3}{4}$ қисмигача майдаланган толали чиқиндилар жойлаштирилади, NaOH эритмаси қўйилади ва 12-24 соат давомида бўктирилади. Жўмракдан эритма чиқарилади, уч мартаба оқар сувда чайилади. Чиқиндиларни идишдан чиқариб, аввал хона ҳароратида, сўнгра қуритиш печида 60°C ҳароратда доимий массага келгунча қуритилади.

2. Қатламли материал конструкциясини йиғиш. Ишчи столга аввал тўрсимон трикотажд, сўнгра тўрсимон елим парда, сўнгра толали чиқиндилар жойлаштирилади. Рақел қурилмаси ёрдамида қатламлар 1.8-1.9 мм қалинликда текисланади. Устидан тўрсимон елим парда ва тўрсимон трикотажд жойлаштирилиб конструкция йиғилади.

3. Қатламли материални шакллантириш. Йиғилган материал конструкцияси қурилманинг сиқувчи валларидан $150\pm 5^\circ\text{C}$ ҳароратда 2.0 ± 0.2 дақиқа давомида ўтказиш орқали бириктирилади.

4. Термик ишлов бериш. Қатламли материални $237\pm 2^\circ\text{C}$ ҳароратгача қиздирилган печга жойлаштириб, 3 ± 0.2 дақиқа давомида термик ишлов берилади.

Навбатдаги тадқиқотлар дублерин, толали чиқиндилар асосидаги қатламли нотўқима материалларнинг физик-механик ва гигиеник хоссаларини ўрганишга бағишланади (4-жадвал). Бунда уч хил материалнинг хоссалари

аниқланди. 1. “Дублерин – иккиламчи пахта толалари” қатламли материали; 2. “Дублерин – туя жуни чиқиндилари”; 3. “Дублерин – қўй жуни чиқиндилари” қатламли материали.


Аниқланган барча кўрсаткичлар бўйича олинган учта қатламли нотўқима материаллар стандарт талабларига мос келади. Гигиеник кўрсаткичларнинг қийматлари кўпроқ нотўқима қатламнинг хоссалири билан белгиланса, физик-механик кўрсаткичлар дублериннинг хоссалири билан белгиланади. Дублериннинг механик мустаҳкамлиги юқори бўлганлиги сабабли қатламли материалнинг ҳам бу хоссалири юқорироқ эканлиги маълум бўлди.

4-жадвал

Дублерин ва толали чиқиндилар асосида тайёрланган қатламли нотўқима материалларнинг физик-механик ва гигиеник хоссалири

Кўрсаткичлар	Чиқинди тури		
	Пахта толалари	Туя жуни	Қўй жуни
Қалинлиги, мм	1.8±0.1	1.8±0.1	1.8±0.1
Юза зичлиги, г/м ²	351	377	359
Узилишдаги мустаҳкамлиги, Н	бўйига	218	285
	энига	176	236
Нисбий чўзилувчанлиги, %	бўйига	19	14
	энига	27	16
Ҳаво ўтказувчанлиги, дм ³ /м ² ·сек	97	126	115
Буғ ўтказувчанлиги, мг/см ² ·саот	4.8	5.0	4.6
Иссиқсақловчанлиги, %	45	48	46

Туя жуни асосидаги қатламли материалнинг ҳаво ва буғ ўтказувчанлиги, иссиқлик сақлаш хусусияти юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги сабабли “IDEAL” МЧЖ корхонасида иссиқ сақловчи белбоғ сифатида жорий этилди ва қуйидаги ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилди (10-расм).



10-расм. Жун толалари чиқиндилари ва дублерин асосида қатламли нотўқима полимер олиш технологияси: 1 – ишчи стол; 2 – ракел қурилмаси; 3 – пастки дублерин; 4 – устки дублерин; 5 – жун толалари қатлами; 6 – саноат пресси; 7 – пуансон; 8 – йўналтирувчи устунлар; 9 – матрица; 10 – тайёр материал

1. Қатламли материал конструкциясини йиғиш. Ишчи столга аввал дублерин, сўнгра жун толалари жойлаштирилади. Ракел қурилмаси ёрдамида қатламлар 1.7-1.8 мм қалинликда текисланади. Устидан яна бир қават дублерин жойлаштирилиб конструкция йиғилади.

2. Қатламли материални шакллантириш. Йиғилган материал $190\pm 2^\circ\text{C}$ да қиздирилган саноат прессининг пастки матричасига жойлаштирилади. Пуансонни тушириб, ўз оғирлиги босимида 20 ± 1 сония давомида пресслаб қатламлар бириктирилади.

Диссертация тадқиқотлари натижасида такомиллаштирилган кимёвий елимлаш усули билан қатламли полимер нотўқима материаллар ишлаб чиқариш технологияси замонавий кичик тадбиркорлик корхоналари учун айниқса мос келади. Иккиламчи толали хомашёга дастлабки ишлов беришдан бошлаб, астарлик ёки белбоғ каби кичик ҳажмдаги ва индивидуал иссиқ сақловчи ва шакл сақловчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Тўқимачилик ва тикув корхоналари технологик чиқиндиларидан олинган иккиламчи толали хомашё, этилен-винилхлорид сополимерининг тўрсимон пардаси, тўрсимон полиэфир трикотаж матоси асосида кимёвий елимлаш усули билан нотўқима қатламли полимер материаллар олишнинг тўрт босқичли такомиллаштирилган технологияси таклиф этилди.

2. Иккиламчи толали хомашё ёки йиғиришга яроқсиз туя ёки қўй жуни, бир тарафига этилен-винилацетат сополимери ихтиёрий нуктасимон сингдирилган полиэфир-пахта тўқув-трикотаж матоси асосида кимёвий елимлаш усули билан нотўқима қатламли полимер материаллар олишнинг икки босқичли такомиллаштирилган технологияси таклиф этилди.

3. Иккиламчи хомашё асосидаги нотўқима қатламли полимер материал конструкциясини термомеханик шакллантириш вақтидаги икки хил температура интервалида турли хил жараёнлар содир бўлишлиги изоҳланди. $140-180^\circ\text{C}$ ҳарорат интервалида компонентларнинг фазалараро чегарасида физик-коллоид таъсирлашув, $195-252^\circ\text{C}$ ҳарорат интервалида компонентларнинг молекулалараро кимёвий таъсирлашуви содир бўлишлиги кўрсатилди.

4. Иккиламчи целлюлоза молекулалари ва этилен-винилацетат сополимери ўртасида қайта эфирланиш реакцияси максимал тезлик ва юқори унум билан содир бўлишлиги учун нотўқима қатламли материал ишлаб чиқариш технологиясига $237\pm 2^\circ\text{C}$ температурада 3 ± 0.2 дақиқа давомида термик ишлов бериш жараёнини киритиш таклиф этилди.

5. ИҚ-Фурье, СЭМ, энергодисперс элемент таҳлил, дифференциал-термик ва рентгенфазавой анализ натижаларига кўра нотўқима қатламли материалларнинг ва уни ташкил этувчи компонентларнинг кимёвий таркиби ва тузилиши, юза ва фазалараро морфологияси, термик барқарорлиги ва жараёнларнинг иссиқлик эффекти, ярим кристалл тузилиши изоҳланди.

6. Олинган қатламли нотўқима материалларнинг физик-механик, гигиеник хоссалари паст ҳароратлардан ҳимояловчи махсус тўқимачилик материалларининг астарлиги учун стандарт талабларига мос келишлиги кўрсатилди. Иккиламчи толалар хомашё, тўрсимон трикотаж, полимер елим парда ёки дублерин матоси асосида иссиқсақловчи ва шаклсақловчи қатламли полимер нотўқима материаллар совуқдан ҳимояловчи кийим учун астарлик ва иссиқ сақловчи санитар-гигиеник белбоғ сифатида қўлланиш имконияти кўрсатилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

АЛИМХАНОВА СЕВАРАХОН ШАВКАТОВНА

**ПОЛУЧЕНИЕ И ПРИМЕНЕНИЕ НЕТКАНЫХ ПОЛИМЕРНО
СЛОИСТЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ ВТОРИЧНОГО СЫРЬЯ**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире такие страны, как США, Англия, Китай, Япония, Корея, Индия, Россия, являются лидерами в производстве нитей и тканей из смесовых волокон. По всему миру в 2021 году произведено более 57 млн. тонн химических волокон (полиэстер), что составляет 52% доли волокна¹. Неуклонное развитие мировой цивилизации порождает проблему все большего возрастания потребности в энергетических и природных ресурсах, структурного изменения и уменьшения их запасов. В этой связи особое значение приобретают исследования по созданию новых инновационных материалов с использованием вторичного сырья, в частности в текстильной отрасли, теплоудерживающих и формозадающих, экологически безопасных слоистых нетканых полимерных материалов.

В мире расширяются научные исследования, направленные на целевую модификацию эксплуатационных свойств нетканых материалов путем регулирования физико-химического взаимодействия компонентов при их создании. На сегодняшний день внедрение безотходных технологий путем использования в качестве вторичного сырья волокнистых отходов, образующихся в текстильном производстве, стало одним из современных задач. Но имеются проблемы при производстве слоистых нетканых полимерных материалов со специальными свойствами и с добавленной стоимостью на основе технологических и бытовых отходов, не конденсационных материалов, особенно природного вторичного волокнистого сырья, которые ждут своего решения. В этом отношении определение возможности регулирования физико-механических и гигиенических свойств материалов путем исследования физико-коллоидных и химических процессов на границе поверхности раздела составных частей слоистых материалов, входит в ряд таких проблем.

В экономике нашей Республики текстильная и швейно-трикотажная промышленность стала одним из ведущих и динамически развивающихся отраслей. Проводятся широкомасштабные мероприятия, и достигнуты определенные успехи по расширению ассортимента слоистых нетканых материалов на основе местного сырья, в том числе вторичного волокнистого сырья, созданию инновационных комплектующих частей одежды и обуви, совершенствованию технологии их производства. Задачи по освоению принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечению конкурентоспособности национальных товаров на внутреннем и внешнем рынке указаны в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы². В частности, при выполнении этих задач важную значимость приобретают научные исследования физико-коллоидных процессов и химических реакций на поверхности раздела фаз, направленные на совершенствование технологии получения слоистых нетканых полимерных материалов методом химического

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

склеивания из вторичного волокнистого сырья, восстановленных технологических отходов текстильных предприятий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-5285 от 14 декабря 2017 года «О мерах по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4453 от 16 сентября 2019 года «О мерах по стимулированию дальнейшего развития легкой промышленности и производства готовых изделий», ПП-4341 от 28 мая 2019 года «О мерах по организации производства швейно-трикотажных изделий, обеспечении занятости населения на территориях Республики», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VII. «Химия. Химические технологии и нанотехнологии».

